



# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажги буюк давлат

2021 йил — Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустақамлаш йили

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2021 йил 2 апрель, № 66 (7846)

Жума

Сайтимиға ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



## АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИНИ САҚЛАШ ВА КОРОНАВИРУСГА ҚАРШИ КУРАШИШ ЧОРАЛАРИ БЕЛГИЛАНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 1 апрель куни аҳоли саломатлигини сақлаш ва коронавирусга қарши курашиш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳамда келгусидаги устувор вазифалар муҳокамаси юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Маълумки, 2020 йил 12 ноябрда давлатимиз раҳбарининг бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш тўғрисида Фармони, тиббий профилактика ишлари самардорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлаш бўйича қарори қабул қилинган эди. Уларга мувофиқ, касалликларни эрта аниқлаш, зарарли одамларни янада изоляция қилиш, тўғри таъминлаш ва даволаш услубларини ўзгартириб, бу борада янги тизим ташкил этила бошланганди.

Йиғилишда ушбу вазифалар ижроси ҳақида сўз борар экан, Президент унга саволни ўртага қўйди:

Биринчи — жорий этилган янги тизим бўйича тиббий тартибни шакллантирилгани, аҳолининг ҳавф гуруҳларига бўлингани нимани кўрсатди?

Иккинчи — маҳаллалар қисмида тиббиёт бригадалари шакллантирилиб, аҳоли билан манзилли ишлаш бошланганидан қанча одам рози бўлди?

Учинчи — тиббиёт муассасаларида қайси хизматлар бепул бўлди?

Хозирги аҳоли талабга жавоб бераётгани, соҳадagi ўзгаришларни аҳоли тезроқ сезиши кераклиги таъкидланди. Ислохотларни жадаллаштириш учун Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларга Бош вазир ўринбосари, соғлиқни сақлаш вазир ва унинг ўринбосарларидан масъуллар бириктирилди.

Президентнинг 12 ноябрдаги яна бир қарорига кўра, Сирдарё вилоятида соғлиқни сақлаш тизимини ташкил этишнинг янги модели ва давлат тиббий сугуртаси механизмининг жорий этилиш бўйича тажриба-синнов ўтказилди. Йиғилишда Сирдарё вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи мазкур янги тизим натижалари ҳақида ҳисобот берди.

Айтиб ўтилганидек, Сирдарё вилоятининг

236 та маҳалласини тўлиқ қамраб олиш учун 421 та тиббиёт бригадаси ташкил этилган. Аҳолининг саломатлик ҳолати хатловдан ўтказилиб, улар 4 та ҳавф гуруҳига ажратилган ва вилоятнинг "алектрон тиббий харитаси" яратилган.

Мисол учун Бойвуг туманида 31 миң аҳоли ўзини соғлом деб билса-да, ортмича вазн, нотўғри овқatlanиш, зарарли одамлар туфайли уларда юрак-қон томир, диабет, ўпка касалликларига чалиниш эҳтимоли юқори экани аниқланган. Шунингдек, илгари шифокорга мурожаат қилмаган 257 нафар фуқарода касалликлар оғир босқичда экани маълум бўлган.

Давлатимиз раҳбари бу тажрибани тизимли давом эттириб, барча ҳудудларда жорий этиш бўйича кўрсатма берди. Бунинг учун қишлоқ ва маҳаллаларда тиббиёт бригадалари ташкил этилиб, аҳолининг манзилли кўриқдан ўтказиш ва даволаш ишлари олиб борилди, ҳудудларнинг "тиббий хариталари" шакллантирилди.

Республика иқтисослаштирилган тиббиёт марказларининг вертикаль иш тизимини такомиллаштириб, уларни оилавий шифокор пунктлари билан боғлаш зарурлиги таъкидланди. Янги беморларнинг овоза қилиб пойтахтга юбормасдан, уларга яшаш жойида малакали тиббий ёрдам олиш имкониятини яратиш керак.

Ўтган йили иқтисослаштирилган марказларда давонлишга муҳтож 84 миң нафар бемордан атғи 51 миң нафари бепул ордер билан таъминланган.

Президент ордерлар учун маблағни деярли 1,5 бараварга кўпайтириб, қўшимча 80 миң доллар сўм ажратиб бўйича Молия вазирлигига кўрсатма берди.

Соғлиқни сақлаш вазирлигига ҳокимликлар билан бирга, йил якунига қадар

ҳар бир беморни соғломлаштириш манраи ва муддатларини белгилаб, давонлаш ташкил этиш бўйича вазифа қўйилди. Иқтисослаштирилган тиббиёт марказлари ўз йўналиши бўйича ҳудудларда 3 миңдан зиёд оилавий шифокорларни қисқа муддатли курсларда ўқитилган бўлди.

Яна бир масала — бугунги кунда донор беморнинг яқин қариноши бўлмаса, трансплантацияга рўхсат берилмаган. Оқибатда, кўпчилик фуқароларимиз бундай амалиётни чет элда ўтказишга мажбур бўлмоқда. Шу боис инсон аъзолари трансплантациясининг қонуний асосларини ишлаб чиқиш муҳимлиги таъкидланди.

Тиббий хизматлар қамровини кенгайтириш мақсадида мамлакатимизда хусусий тиббиёт ташкилотлари учун барча ҳуқуқий асослар, имкониятлар яратилган. Лекин ҳудудларда касалликларнинг турига қараб, хусусий шифо маҳаллари ташкил этиш ишлари етарли даражада эмаслиги қайд этилди.

Мисол учун аҳоли орасида эҳтиёж юқори бўлган гемодиализ, тиббий диагностика ва реабилитация хизматлари бўйича хусусий клиникалар етишмайди. Мутасаддиларга давлат-хусусий шериклик асосидаги лойиҳаларни кўпайтириб, 170 та туман ва шаҳар тиббиёт бирлашмаларини компьютер томографлари билан таъминлаш, улардан фойдаланиш бўйича ходимлар малакасини ошириш юзасидан топшириқлар берилди.

Соҳадаги коррупция иллатига ҳам тўхталиб ўтилди. Ўтган йили тизимда 30 миң доллар сўмдан ортиқ маблағ талон-торож қилингани айтилди. Шунинг учун таъсирчан назорат тизимини ўрнатиб, ажратилаётган маблағлар жойига етиб бориши, дори-дармон ва тиббиёт ускуналарининг очиқ-ошқора сотиб оли-

ниши, пуллик хизматлардан тушумлар мақсадли ишлатилишини таъминлаш бўйича кўрсатмалар берилди.

Йиғилишда кадрлар масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Маълумки, бу борада чекка ҳудудларда эҳтиёж юқорилигини инобатга олиб, "Қишлоқ шифокор" дастури қабул қилинган эди. Бундай жойларда ишламоқчи бўлган шифокорларга 30 миң доллар сўм пул берилиши белгиланиб, бу мақсадлар учун бюджетдан 20 миң доллар сўм ажратилган. Лекин ордан 4 ой вақт ўтган бўлса-да, бирорта талабгор билан шартнома имзоланмаган. Ваҳоланки, бугунги кунда олис ва чекка ҳудудлар учун 220 нафар шифокор зарур. Бундан ташқари, ҳудудларда 10 миң нафар тор мутахассис етишмайди.

Шу боис келгуси ўқув йилидан клиник ординатуранинг қабул квотаси икки бараварга оширилиши белгиланди. Ушбу янги тизимда ординаторлар ўқув жараёнининг ярмини олийгоҳ ва иқтисослаштирилган марказларда, қолган ярмини эса иш жойида давом эттиради. Вилоят ҳокимлари ўз ҳудуди учун зарур бўлган тор мутахассислардан шифокорларни тайёрлаш учун маҳаллий бюджетдан грант ажратди.

Давлатимиз раҳбари коронавирус пандемияси билан боғлиқ вазиятга алоҳида тўхтади.

— Жорий йил бошида кунига ўртача 30 — 40 нафар бемор аниқланган бўлса, март ойи ўрталаридан бу кўрсаткич 160 — 180 нафарни ташкил этмоқда. Касалликнинг ўта оғир кечиши, ҳаттоки ўлим ҳолатлари ҳам қайд этилмоқда. Бунинг сабаби — кўпчилик фуқаролар хотиржамликка берилиб, тиббий ниқоб тақийш, иқтимоий масофани сақлаш, антисептик воситалардан фойдаланиш каби карантин талабларига бепарқ бўлиб қолди, — деди Шавкат Мирзиёев.

Бош вазирга коронавирусга қарши курашиш бўйича ҳудудий штаблар фаолиятини кучайтириш, тушуқ ишлайдиган "қолл-марказ"лар ва мобил бригадалар фаолиятини йўлга қўйиш бўйича топширик берилди. Дори-дармон ва химия воситаларининг камда 3 ойлик захирасини шакллантириш, ҳудудларда 60 та кислород станциясини ишга тушириб, реанимация ва интенсив даволаш бўлимларини кислород билан узлуксиз таъминлаш вазифаси қўйилди.

— Афсуски, бу балонинг охири кўринмапти. Европа давлатлари ана локдаунга кирпти. Қўшнларимизда ҳам аҳоли яхши эмас. Ҳавф ёнимизда юрибди. Шунинг учун оғоҳ бўлишимиз керак. Олдин қандай ишлаган бўлсак, шу тартибни тиклаймиш. Худо кўрсатмасин, шунча қилган ҳаракатимиз бекорга кетиши мумкин. Иқтисодиёт нукта назаридан жуда катта марралар қўйганмиш. Агар ёпилиб қолсак, бу натижаларга эришолмаймиш. Ҳеч қаерни ёлмаймиш, лекин тартиб-интизомни кучайтирмамиз. Касалланганларни ҳам тез-тез даволаш чораларини кўриш керак, — деди Президент.

Апрель — июнь ойларида ҳавф гуруҳига мансуб 4 миң доллардан ортиқ аҳолини қоронавирусга қарши эмлаш режалаштирилган. Ҳозирда 660 миң доза вакцина олиб келинган. Ҳуқумат комиссиясига Хитойдан яна 3,5 миң доллар доза ва Россиядан 1 миң доллар доза вакцина сотиб олиш бўйича кўрсатма берилди.

Фуқароларни яшаш манзили бўйича эмлаш кун ва жойи ҳақида хабардор қилиб бориш муҳимлиги таъкидланди.

Йиғилишда муҳокама қилинган масалалар бўйича вазирлар, ҳокимлар ва тиббиёт муассасалари раҳбарлари ахборот берди.

Ў.А.

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ ИЛМИЙ ВА ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Сўнгги йилларда республика иқтисодиёти тармоқлари ва иқтимоий соҳани инновацион ривожлантириш, илм-фан ва илмий фаолиятни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва натижадорлигини ошириш бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган чора-тадбирлар амалга оширилди.

Республикани инновацион соҳасидаги глобал рейтингдаги илгор 50 та мамлакат рўйхатида киритишга қаратилган стратегия дастур тасдиқланди, илмий лойиҳаларни молиялаштиришнинг янги механизмлари жорий этилди, илм-фан соҳасида юқори малакали кадрларни молиявий рағбатлантириш учун қўшимча шарт-шароитлар яратилди.

Шундай бўлса-да, мамлакат тараққиётининг замонавий босқичида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар илм-фан ва инновация соҳасида давлат бошқаруви механизмларини такомиллаштириш, илмий фаолиятга оид давлат дастурларини шакллантиришда шаффофликни ошириш ҳамда иқтисодиёт тармоқлари ва ҳудудларда илм-фан ютуқлари ва инновацион технологияларни жорий этиш ишларини жадаллаштириш лозимлигини кўрсатмоқда.

Миллий илм-фан ва инновация тизимининг иқтимоий-иқтисодий тараққиётдаги ўрнини ошириш, ҳудудларда инновацион фаолиятни ривожлантириш мақсадида, шунингдек, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига асосан белгиланган вазифалардан келиб чиқиб:

1. Қўйидагилар Инновацион ривожланиш вазирлигининг (кейинги ўринларда — Вазирлик) асосий вазифаларини этиб белгилансин:

мамлакатни инновацион ривожлантиришнинг узок муддатли сценарийлари асосида устувор соҳа ва тармоқларни илм-фан ютуқлари ва инновациялар асосида ривожлантириш стратегияларини ишлаб чиқиш;

ҳудудларнинг интеллектуал ва технологик салоҳиятини ошириш, илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантиришнинг замонавий инфратузилмасини шакллантириш;

илмий фаолиятга оид давлат дастурларини шакллантириш, тасдиқлаш ва уларнинг ижросини назорат қилиш;

илмий даражали кадрлар тайёрлаш тизимини мувофиқлаштириш;

ёшларни илмий ва инновацион фаолиятга жалб этишнинг самарали механизмларини жорий қилиш ва улар ташаббусларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш;

илмий ва инновацион лойиҳаларни амалга оширишда инвестицияларни кенг жалб этиш, хусусий сектор фаоллигини ошириш ва венчурга асосланган молиялаштириш ривожлантириш;

инновацион ишланмалар асосида амалга оширилаётган лойиҳаларнинг молиявий, иқтисодий ва техник экспертизасини ўтказиш ва интеллектуал мулк объектларини татбиқ этиш учун зарур шароитларни таъминлаш;

иқтисодиётнинг реал сектори ва ишлаб чиқариш тармоқларининг илмий ишланма ва инновацияларга бўлган эҳтиёжларини аниқлаш ҳамда тармоқ илмий тадқиқотларни ривожлантириш асосида илм-фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини мустақамлаш;

(Давоми 3-бетда.)

## Халқ билан мулоқот

### БЎКАДА ХОТИН-ҚИЗЛАРГА ЭЪТИБОР ҚАЙ ДАРАЖАДА?



Аввал хабар берилганидек, шу кунларда Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева бошчилигидаги ишчи гуруҳи Тошкент вилоятида бўлиб, ҳудудни иқтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳоли турмуш даражасини ошириш ҳамда тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасида олиб борилаётган ишларни ўрганмоқда, одамлар билан дилдан суҳбатлашмоқда.

Кеча ишчи гуруҳ аъзолари Бўка туманида иқтимоий химояга муҳтож аҳоли, жумладан, хотин-қизларни ўқитиш, иш билан таъминлаш, уларнинг уй-жой муаммоларини ҳал этиш, соғлигини асраш борасидаги ишларни қўздан кечирди.

Дастлаб "Қўлдоштепа" маҳалла фуқаролар йиғинидаги "Агроинвест ТНА" масъулияти чекланган жамияти корхонаси фаолияти билан танишилди.

— Гидропоника услубида иш юритаётган мазкур иссиқхона энергия тежамкорлиги билан ажралиб туради. Бу ерда чиқиндисиз, жаҳон стандарти талабларига мос равишда экологик тоза маҳ-

сулот етиштирилади, — дейди корхона мутахассиси Акмал Божихонов. — Асосий, ҳосилдорлик юқори. Умумий қиймати 4,5 миң доллардан ошиб бўлган бу лойиҳада кўзда тутилган бош мақсад — қишлоқ аёлларини иш билан таъминлаш. Ҳозир бу ерда 43 нафар хотин-қиз меҳнат қияпти.



## Олий Мажлис қуй палатасида

### «МАҲАЛЛИЙ ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ ИШЛАБ ЧИҚИЛДИ

Давлатимиз раҳбари Олий Мажлисга ва халқимизга йўллаган Мурожаатномасида маҳаллий ҳокимлик ҳамда Кенгашлар бундан 27 йил аввал, яъни ҳокимлик институти жорий этилган дастлабки пайтда қабул қилинган Қонун асосида ишлаётганини, шунингдек, бу ҳужжат бугунги ислохотларимиз талабларига мутлақо жавоб берадиганини ҳисобга олиб, уни тубдан янгилаш зарурлигини алоҳида қайд этган эди.

Шунга мувофиқ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ташаббуси билан "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш бўйича ишчи гуруҳ тuzилди.

Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасида "Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустақамлаш йили" Давлат дастури ижросини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган — "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғриси-

да"ги қонун лойиҳасининг якуний муҳокамаси бўйича ишчи гуруҳ йиғилиши бўлиб ўтди.

Ишчи гуруҳ йиғилишида Қонунчилик палатаси Спикери Н. Исмоилов раҳбарлигида қонун лойиҳаси батафсил муҳокама қилинди.

Йиғилишда белгиланган муддат қисқа бўлишига қарамаддан, ўз вақтида бир қатор ишлар амалга оширилгани алоҳида қайд этилди. Хусусан, ишчи гуруҳ



## Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ Деҳқон хўжалиги тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2021 йил 13 январда қабул қилинган Сенат томонидан 2021 йил 12 мартда маъқулланган

1-боб. Умумий қоидалар

1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади

Ушбу Қонуннинг мақсади деҳқон хўжалиқларини ташкил этиш ва юритиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

2-модда. Деҳқон хўжалиги тўғрисидаги қонунчилик

Деҳқон хўжалиги тўғрисидаги қонунчилик ушбу Қонун ва бошқа қонунчилик ҳужжатларидан иборатдир.

3-модда. Деҳқон хўжалиги

Деҳқон хўжалиги мерос қилиб қолдирилмаган умрбод эғалик қилиш ёки ижара (иқкиламчи ижара) ҳуқуқи асосида деҳқон хўжалиги бошлиғига берилган ер участкасида қишлоқ хўжалиги махсулотларини етиштиришни ва реализация қилишни деҳқон хўжалиги аъзоларининг шахсий меҳнати асосида амалга оширувчи хўжалиқдир.

Деҳқон хўжалиги ўз фаолиятини боғдорчилик ва узумчиликка ёки сабзавот ва полиз экинларини ёхуд бошқа қишлоқ хўжалиги экинларини етиштиришга иқтисослаштириш асосида амалга оширади.

Деҳқон хўжалигининг фаолияти тадбиркорлик фаолияти жумласига қиради ва деҳқон хўжалиги аъзоларининг истагига кўра юридик шахс ташкил этилган ҳолда ҳам, юридик шахс ташкил этмасдан ҳам амалга оширилиши мумкин.

4-модда. Деҳқон хўжалиги бошлиғи

Ўн саккиз ёшга тўлган, муомалага лаёқатли бўлган, ўзига деҳқон хўжалигини юритиш учун ер участкаси мерос қилиб қолдирилмаган умрбод эғалик қилиш ёки ижара (иқкиламчи ижара) ҳуқуқи асосида берилган Ўзбекистон Республикаси фуқароси ёки Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшовчи фуқаролари бўлмаган шахс деҳқон хўжалиги бошлиғи бўлиши мумкин.

Деҳқон хўжалиги бошлиғи деҳқон хўжалиги номидан ишончномасиз иш юритади, шу жумладан деҳқон хўжалигининг манфаатларини юридик ва жисмоний шахслар билан ўзаро муносабатларда ифодалайди ва деҳқон хўжалиги номидан шартномалар тuzади.

Деҳқон хўжалиги бошлиғи вақтинча меҳнат қобилиятини йўқотган ёки узок вақт йўқ бўлган (ҳарбий хизматга қақирилиш, кундузги ўқув шаклида таълим олиш учун олий таълим ташкилотига ўқишга кириш, сайлаб қўйиладиган лавозимларга сайланиш ва бошқалар) тақдирда, у ўз мажбуриятларини бажариш ваколатини ушбу хўжалигининг аъзоларидан бирига беришга ҳақлидир.

Деҳқон хўжалиги бошлиғи вафот этган тақдирда, деҳқон хўжалиги аъзолари ўртасидаги ўзаро келишув бўйича деҳқон хўжалигининг янги бошлиғи белгиланади. Бунда ер участкасига мерос қилиб қолдирилмаган умрбод эғалик қилиш ҳуқуқи мерос бўйича деҳқон хўжалигининг янги бошлиғига ўтади, деҳқон хўжалигини юритиш учун ижарага (иқкиламчи ижарага) берилган ер участкаларига нисбатан эса ижара (иқкиламчи ижара) шартномасига тегишли ўзгаришлар киритилади.

Деҳқон хўжалиги бошлиғи пенсия ёшига тўлганда ёки меҳнат қобилиятини тўлиқ йўқотганда, шунингдек ҳарбий хизматга қақирилган, кундузги ўқув шаклида таълим олиш учун олий таълим ташкилотига ўқишга кирган, сайлаб қўйиладиган лавозимларга сайланган тақдирда, деҳқон хўжалиги бошлиғининг тақлифи ва деҳқон хўжалиги аъзолари ўртасидаги ўзаро келишув бўйича деҳқон хўжалигининг янги бошлиғи белгиланиши мумкин, унга ер участкасига мерос қилиб қолдирилмаган умрбод эғалик қилиш ҳуқуқи ўтади, деҳқон хўжалигини юритиш учун ижарага (иқкиламчи ижарага) берилган ер участкаларига нисбатан эса ижара (иқкиламчи ижара) шартномасига деҳқон хўжалигининг янги бошлиғи тўғрисидаги тегишли ўзгаришлар киритилади.

(Давоми 2-бетда.)

## Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ Томорқа хўжалиги тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2020 йил 26 декабрда қабул қилинган Сенат томонидан 2021 йил 12 мартда маъқулланган

1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади ва қўлланилиш соҳаси

Ушбу Қонуннинг мақсади томорқа хўжалиқларини юритишни ташкил этиш ва уларни ривожлантириш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

Ушбу Қонуннинг амал қилиши белгиланган тартибда хусусийлаштирилган, Ўзбекистон Республикаси фуқароларига яқна тартибда уй-жой куриш ва уй-жойни ободонлаштириш учун берилган ер участкалари, шунингдек мерос қилиб қолдирилмаган умрбод эғалик қилиш ҳуқуқи асосида деҳқон хўжалигини юритиш учун берилган ер участкалари билан боғлиқ муносабатларга нисбатан татбиқ этилмайди.

2-модда. Томорқа хўжалиги тўғрисидаги қонунчилик

Томорқа хўжалиги тўғрисидаги қонунчилик ушбу Қонун ва бошқа қонунчилик ҳужжатларидан иборатдир.

3-модда. Томорқа хўжалиги

Томорқа хўжалиги шахсий томорқа ер участкаларида қишлоқ хўжалиги махсулотларини ҳам эркин савдо учун, ҳам оила эҳтиёжлари учун етиштириш (қайта ишлаш) билан боғлиқ меҳнат фаолиятидир.

Томорқа хўжалиги тадбиркорлик фаолияти ҳисобланмайди ва томорқа хўжалигини давлат рўйхатидан ўтказиш талаб этилмайди. Томорқа хўжалигида қишлоқ хўжалиги махсулотларини етиштириш (қайта ишлаш) бўйича шахсий меҳнати билан иштирок этишга асосланган фаолиятни мустақил равишда амалга оширувчи шахс аҳоли бандлиги тўғрисидаги қонунчиликда белгиланган тартибда ўзини ўзи банд қилган шахс мақомини олиши мумкин.

(Давоми 3-бетда.)



Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Томорқа хўжалиги тўғрисида

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

Томорқа хўжалигини юритиш учун ажратилган шахсий томорқа ер участкасида етиштирилган (қайта ишланган) қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари хусусий мулкдир.

4-модда. Шахсий томорқа ер участкаси

Шахсий томорқа ер участкаси томорқа хўжалигини юритиш учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ёхуд яқка тартибда уй-жой қуриш ва уй-жойни ободонлаштириш мақсадида ажратилган ер участкасидир.

Томорқа хўжалигини юритиш учун: эркин савдо ва оила эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш мақсадида ушбу Қонун кучга киргүнгича қадар мерос қилиб қолдирилайдиган умрбод эғалик қилиш ҳуқуқи асосида қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланган ерлар, ўрмон фонди ерлари ҳамда аҳоли пунктлари ерларидан берилган ер участкаларидан: мерос қилиб қолдирилайдиган умрбод эғалик қилиш ҳуқуқи асосида яқка тартибда уй-жой қуриш ва уй-жойни ободонлаштириш учун берилган ер участкаларидан фойдаланишни мумкин.

Мерос қилиб қолдирилайдиган умрбод эғалик қилиш ҳуқуқи асосида берилган шахсий томорқа ер участкалари ёки уларнинг бир қисми мерос қилиб қолдирилайдиган умрбод эғалик қилиш ҳуқуқи сақлаб қолingan ҳолда жисмоний ва юридик шахсларга вақтинча фойдаланиш учун топширилиши мумкин.

Ер участкаларини томорқа хўжалигини юритиш учун бериш қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилади.

5-модда. Шахсий томорқа ер участкаларидан томорқа хўжалигини юритиш учун фойдаланувчи шахсларнинг ҳуқуқлари

Шахсий томорқа ер участкаларидан томорқа хўжалигини юритиш учун фойдаланувчи шахслар ҳуйдаги ҳуқуқларга эга: томорқа хўжалиқларини эркин ва мустақил равишда бошқариш, шу жумладан етиштирилган ҳамда мустақил тарзда қайта ишланган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини эркин реализация қилиш, мустақил равишда нарх белгилаш ва олинган даромадларни тасаруф этиш; ўзи етиштирган ёки қайта ишланган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини бозорларда, савдо шаҳобчаларида мустақил равишда ёки ўз вақиллари орқали монеликсиз ва эркин реализация қилиш; агрокластерлар билан ҳамкорлик қилиш, шунингдек қишлоқ хўжалиги кооперативларига ихтиёрий равишда аъзо бўлиш; иссиқхоналар ташкил этиш, уруғликлар, кўчатлар, чорва моллари ҳамда паррандалар, қишлоқ хўжалиги ашё-анжомлари ва ускуналари, сугориш қурилмалари (насослар, артезиан кўдуқлар ва бошқаларни) сотиб олиш учун қонунчиликда назарда тутилган имтиёزلардан, шу жумладан имтиёзли кредитлардан, субсидиялардан ва бошқа преференциялардан фойдаланиш;

Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжалиқлари ва томорқа ер эгалари кенгашига ихтиёрий равишда аъзо бўлиш; ерга оид ташкилотларнинг ҳамда хизмат кўрсатувчи бошқа ташкилотларнинг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва реализация қилишга доир ҳизматларидан фойдаланиш; шахсий томорқа ер участкаларидан давлат органларининг, шу жумладан архитектура-қурилиш, экология, санитария-гигиена органларининг ҳамда ёнги хавфсизлигини таъминловчи органларнинг руҳсатномасини олиш заруратисиз ёнгилик конструкциялардан иссиқхоналар қуриш; сув ресурсларидан фойдаланиш.

Шахсий томорқа ер участкаларидан томорқа хўжалигини юритиш учун фойдаланувчи шахслар қонунчиликка мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

6-модда. Шахсий томорқа ер участкаларидан томорқа хўжалигини юритиш учун фойдаланувчи шахсларнинг мажбуриятлари

Шахсий томорқа ер участкаларидан томорқа хўжалигини юритиш учун фойдаланувчи шахслар: ер участкаларидан мақсадли ва оқилона фойдаланилишини таъминлаш, шу жумладан ер участкаларида қишлоқ хўжалиги ёқинларини экиш ёки ободонлаштиришни амалга ошириш; тупроқ унумдорлигини сақлаш ва ошириш чораларини кўриши; сув ресурсларидан оқилона ва тежаб фойдаланиши; уй-жой қуриш ҳуқуқисиз ажратилган ер участкаларида бинолар ва иншоотлар қурмаслиги;

қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда экология ҳамда санитария талаблари ва нормаларига риоя этиши шарт.

7-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг томорқа хўжалиқларини юритишни ташкил этиш ва уларни ривожлантириш соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси: томорқа хўжалиқларини ривожлантириш соҳасидаги давлат сиёсатининг амалга оширилишини таъминлайди; томорқа хўжалиқларини ривожлантириш соҳасидаги давлат дастурларини қабул қилади; шахсий томорқа ер участкаларидан самарали фойдаланишини ташкил этиш ва назорат қилиш тартибини белгилайди; шахсий томорқа ер участкаларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш учун зарур бўлган уруғликлар, кўчатлар, минерал ўғитлар ва ёқилар-мойлаш материаллари билан таъминлаш механизмини тасдиқлайди; шахсий томорқа ер участкаларида юқори ҳосилли, экспорт учун мўлжалланган қишлоқ хўжалиги экинларини етиштиришни ташкил этишга, моддий-техника ресурслари билан таъминлашга ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини харид қилишни ташкил этишга доир тадбирлар дастурларини тасдиқлайди; шахсий томорқа ер участкаларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ҳамда реализация қилиш соҳасида имтиёزلар, субсидиялар ва бошқа преференциялар берилишига доир тақлифларни кўриб чиқади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатлари ҳам амалга ошириши мумкин.

8-модда. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг томорқа хўжалиқларини юритишни ташкил этиш ва уларни ривожлантириш соҳасидаги ваколатлари

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари: томорқа хўжалиқларини ривожлантириш соҳасидаги давлат дастурларини ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этади; томорқа хўжалиқларини ривожлантириш соҳасидаги ҳудудий дастурларни ишлаб чиқади, тасдиқлайди ва амалга оширади; тегишли ҳудудда томорқа хўжалиқларини ривожлантиришга доир асосий кўрсаткичларни шакллантиради; томорқа хўжалиқларининг моддий-техника таъминотини яқшилашга, уларни сув ресурслари, зарур уруғликлар, кўчатлар, минерал ўғитлар билан таъминлашга доир тегишли чора-тадбирларни, шунингдек томорқа хўжалиқларини давлат томонидан қўллаб-қувватлашга доир чора-тадбирларни белгилайди.

9-модда. Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжалиқлари ва томорқа ер эгалари кенгашининг томорқа хўжалиқларини юритишни ташкил этиш ва уларни ривожлантириш соҳасидаги фаолияти

Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжалиқлари ва томорқа ер эгалари кенгаши:

шахсий томорқа ер участкаларининг эгаларига қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, қайта ишлаш, сақлаш ва реализация қилишда, шу жумладан арготехника тадбирларини бажаришда ҳамда шартномалар тузишда, маҳсулотларини ташқи бозорларга экспорт қилишда ҳар томонлама ёрдам кўрсатади; шахсий томорқа ер участкалари эгаларининг ҳуқуқлари ва қўниий манфаатларини ҳимоя қилади, шу жумладан давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, тайёрлов, таъминот ва хизматлар кўрсатиш ташкилотлари билан ўзаро муносабатларда ҳимоя қилади, шунингдек судда уларнинг манфаатларини ифода этади; фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан биргаликда томорқа хўжалиқларини ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича чоралар кўради; ресурсларни тежовчи арготехнологияларни, муқобил энергия манбаларини жорий этишга қўмақлашади; шахсий томорқа ер участкаларида деҳқончилик маданиятини оширишга қўмақлашади, шунингдек улاردан мақсадли ва самарали фойдаланилишини таъминлашга доир тушунтириш ишларини амалга оширади.

Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжалиқлари ва томорқа ер эгалари кенгаши ер участкаларидан хусусий ер эгалари томонидан фойдаланилиши масаласи бўйича ўз ваколатлари доирасида:

ички ва ташқи бозорларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган талабни ҳисобга олган ҳолда уларни етиштириш (қайта ишлаш) масалаларига доир тавсияларни ишлаб чиқади ҳамда беғул ва пули асосида томорқа хўжалиқларига тақдим этади; қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ташқи бозорга етказиб бериш тизимини янада такомиллаштириш бўйича тавсиялар тайёрлайди.

10-модда. Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг томорқа хўжалиқларини ривожлантириш соҳасида иштирок этиши

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари: шахсий томорқа ер участкалари эгаларининг фаолиятини ривожлантиришга қўмақлашади; томорқа хўжалиқларини эркин ва мустақил равишда бошқаришда, шу жумладан етиштирилган (қайта ишланган) қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини мустақил тарзда тасаруф этишда, мустақил равишда нарх белгилашда ва даромадларни тасаруф этишда шахсий томорқа ер участкалари, эгаларига қўмақлашади; томорқа хўжалиги билан шуғулланувчи аҳоли ўртасида шахсий томорқа ер участкаларидан самарали фойдаланиш масалаларига доир тушунтириш ишларини олиб боради; шахсий томорқа ер участкаларидан мақсадли ва оқилона фойдаланилиши устидан мониторингни амалга оширади.

11-модда. Томорқа хўжалигидаги меҳнат фаолияти

Томорқа хўжалигидаги фаолият шахсий томорқа ер участкаси эгасининг ва оила аъзоларининг шахсий меҳнатига асосланади.

Майдони камид 0,04 гектар бўлган шахсий томорқа ер участкасида банд бўлган ёки мазкур майдонда шохли қорамол ёхуд қандайдил банд парранда боқабтган шахсий томорқа ер участкасининг эгаси ёки унинг оила аъзолари иккимой солиқ тўлаши мумкин. Бунда шахсий томорқа ер участкасининг эгаси ёки унинг оила аъзолари иккимой солиқни ихтиёрий асосда тўлайди. Иккимой солиқнинг белгиланган миқдорини тўлаш меҳнат ҳисоблаб чиқариш чоғида бир календарь йили деб ҳисобга олинади. Иккимой солиқни тўлаш тартиби Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексида белгиланади.

12-модда. Томорқа хўжалигини юритишда фойдаланиладиган мол-мулк

Томорқа хўжалигини юритишда мерос қилиб қолдирилайдиган умрбод эғалик қилиш ҳуқуқи асосида берилган шахсий томорқа ер участкасида жойлашган турар жой, ишлаб чиқариш биноларидан, маиший ва бошқа бинолардан, шунингдек транспорт воситалари ва қишлоқ хўжалиги техникасидан, ашёлар, асбоб-ускуналар, қишлоқ хўжалиги ҳайвонлари, асарларидан, паррандалар, ипақ қурти (пилла) ва бошқа мол-мулкдан фойдаланилиши мумкин.

13-модда. Томорқа хўжалиқларининг ҳисобини юритиш

Томорқа хўжалиқларининг ҳисоби шахсий томорқа ер участкаларидан томорқа хўжалигини юритиш учун фойдаланиладиган шахслар томонидан ихтиёрий равишда тақдим этиладиган маълумотлар асосида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан Томорқа хўжалиқларини ҳисобга олиш реестрини шакллантириш орқали юритилади.

Томорқа хўжалиқларини ҳисобга олиш реестрида қуйидаги ахборот акс эттирилади:

шахсий томорқа ер участкаси эгасининг, шунингдек у билан бирга яшовчи ёки томорқа хўжалигини юритишни биргаликда амалга оширувчи бошқа шахсларнинг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган санаси; шахсий томорқа ер участкасининг дош экинлари, мевали ва мансарали дарахтар экинлар, шунингдек бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирилаётган (қайта ишланган) майдони; қишлоқ хўжалиги ҳайвонларининг, асарлариданнинг, паррандаларнинг ва ипақ қурти кўтиларининг сони; қишлоқ хўжалиги техникасининг, ускуналарининг, транспорт воситаларининг сони тўғрисидаги ахборот.

Томорқа хўжалиқларини ҳисобга олиш реестрида акс эттирилган маълумотлардан қонунчиликда белгиланган тартибда томорқа хўжалиқларини ривожлантиришга доир асосий кўрсаткичларни шакллантириш ва амалга ошириш, уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш мақсадида фойдаланилади.

БЎҚАДА ХОТИН-ҚИЗЛАРГА ЭЪТИБОР ҚАЙ ДАРАЖАДА?

Вилоятда тилга тушиб бўлган 3 гектар майдондаги ушбу иссиқхонада Европа давлатларидан келтирилган "ақли машина"лар ўрнатилгани боис деярли барча юмушлар компьютер тизими орқали бошқарилади.

Тумандаги "Biyuza group" тикувчилик корхонаси фаолияти эса, асосан, "аёллар дафтари"га киритилган хотин-қизлари иш билан таъминланади йўналтирилган. Бу ерда меҳнат қилаётган 150 нафар чевар кунига 2 мингдан зиёд болалар кийим-кечаклар тикмоқда.

Сенат Раиси фабрикадаги аёллар билан суҳбат жараёнида туманда хотин-қизларга яратилаётган шарт-шароитларни ўрганди. Айни чоғда туман ҳокимлиги ва бошқа тўмасдаги ташкилот раҳбарларининг аёлларга эътибори билан қизиқди. Худудда бу каби корхоналарни янада кўпайтириш, хотин-қизлар учун янги иш ўринлари яратиш юзасидан тавсиялар берди.

Набатдаги манзил — "қизил худуд" ҳисобланган Янгибўғ маҳалласида эса йиллар давомида турли масалаларда муаммолар тўпланиб қолгани маълум бўлди. Аммо қишлоқнинг ғайритаълим, ундабўғ ордамлари бировлар қўлга қараб қолишдан кўра, имкон қидириб, томорқа ва тадбир-

14-модда. Низоларни ҳал этиш

Шахсий томорқа ер участкаларида томорқа хўжалиқларини юритишни ташкил этиш ва уларни ривожлантириш соҳасида юзага келадиган низолар қонунчиликда белгиланган тартибда ҳал этилади.

15-модда. Томорқа хўжалиги тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун жавобгарлик

Томорқа хўжалиги тўғрисидаги қонунчиликни бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

16-модда. Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш

1. Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 31 августда қабул қилинган «**Усимликлар қарантини тўғрисидаги**» 113-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 9 июлда қабул қилинган УРҚ-484-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2018 йил, № 7, 429-модда; 2021 йил, № 1, 4-модда; 2021 йил, № 1, 13-модда) **11-модда Биринчи қисмининг ўн унчи хатбошисидаги** «шахсий томорқа, фермер ва деҳқон хўжалиқларида» деган сўзлар «томорқа, фермер ва деҳқон хўжалиқлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

